

Салоҳиддин Азизбоев

АНЪАНАВИЙ
АНСАМБЛЬ ИЖРОЧИЛИК ДАСТУРИ

Тошкент 2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Салоҳиддин Азизбоев

АНЪАНАВИЙ
АНСАМБЛЬ ИЖРОЧИЛИГИ ДАСТУРИ

Мазкур ўқув адабиёти мусиқий санъат йўналишидаги ОТМ –ларида ансамбль синфи бўйича сабоқ олаётган бакалаврият талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув адабиёти фан дастури асосида яратилган бўлиб, унда талабаларнинг жўрнавозлик, ансамбль бўлиб ижро этишларига оид асосий маълумотлар баён этилган.

Масъул муҳарир: - С. Бегматов, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент.

**Такризчилар: 1. М. Матёкубов, Ўзбекистон Республикаси маданият ходими, Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси доценти,
2. Ў. Расулов, Ўзбекистон халқ артисти, доцент**

Данная учебная литература предназначена для студентов бакалавриатов обучающиеся по классу “Ансамбль” по направлению музыкального искусства в высших учебных заведения.

Учебная литература создана в соответствии с учебной программой данного предмета и в ней изложены основные сведения, касающиеся музыкального сопровождения и ансамблевого исполнительства.

Ответственный редактор: - С. Бегматов, кандидат искусствоведения, доцент.

Рецензенты: 1. М. Матякубов, Работник культуры Республики Узбекистан, доцент кафедры традиционного исполнительства государственной Консерватории Узбекистана.
2. У.Расулов, доцент, народный артист Узбекистана.

This teaching literature is meant for the students of Baccalaureate course of the High Educational Institutions, who are learning the subject of “Ensamble class”.

The teaching manual has been created according to the programme of subject of “Ensamble class” and the main informations have been expounded for the students, who play the instruments, as an accompanist and ensamble performer.

Editor-in-chief: S.Begmatov, Candidate of Art criticism, Assistant Professor.

Reviewers: M.Matyakubov Culture Worker of the Republic of Uzbekistan, Assistant Professor of the Department of Traditional Performance of the State Conservatory of Uzbekistan.

Муқаддима

“Анъана - ўтмишнинг якуни эмас,
балки янги замонни
илҳомлантирувчи жонли кучдир”

И.Стравинский XX аср

Мустақилликнинг илиқ уфори барча соҳаларда синовли довлардан ўтиши давом этмоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ислохотлар ўтказилаётган жараёнда, жамиятимизда миллий маданият ва санъат, маънавият ва маърифат ҳамда тараққиётпарвар омилларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бебаҳо миллий қадриятларни ва анъаналаримизни имкони борича тўлароқ тиклаш, тарихий-маданий ёдгорликларимизни шу жумладан муסיқий меросимизни муфассал ўрганиб бориш, муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртбошимизнинг, Кадрлар масаласига доир маърузаларида, ёшларимизни ҳар томонлама етук баркамол бўлиб етишишларида астойдил хизмат қилиш ҳар бир устознинг (қайси касб эгаси бўлмасин) энг долзарб вазифаси бўлиши ҳозирги куннинг ҳам талаби эканлиги, ватанпарвар, фидоий, ҳар ишда ташаббускор баркамол авлодни тобора шакллантириш, олинган билимларини тўла-тўқис кейинги ёш авлодларга ўргата боровчи комил шахсни тарбиялаш асосий мақсадлардан бири эканлиги белгилаб берилган. Миллий муסיқа, халқимизнинг ўтмиш ҳаётини сўз ва оҳанглардаги ўзига хос ифодасидир. Кейинги пайтда миллий ўзбек мафкураси ва миллий ғоя ҳақида кўп гапирилмоқда. Миллий мафкура, унга асосланган миллий ғоя халқ ва миллатни ўзлигини, минталитетини бир нуқтага жамлаб ҳаракат дастурига айлантирадиган ҳамда бутун халқнинг ғайрат-шижоатини ягона мақсадга йўналтирувчи қудратли кучдир. Шундай экан, асл муסיқа ўз ифодасини ҳеч қачон йўқотмайди. Ҳар томонлама етук ва

моҳир созанда, ижрочи ёш ансамбль жамоаси фаолиятида сайқалланиб, ўз тажрибасига эга бўлиб бораверади.

Ансамбль нима? Ансамбль (французча ensemble - биргаликда)¹ яъни биргаликда ижро этиш маъносини билдиради. Ансамблнинг турли таркиблари мавжуд. Жумладан: вокал ёки чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши; бир гуруҳ артистларнинг бир бутун бадиий жамоа ҳолида чиқиши ва ҳ.к.

Ансамбль атамаси яхши тузилган ва юксак ижроси билан ажралиб турадиган бадиий жамоаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Қолаверса, содда килиб айтганда ансамбль бир катта оиладир.

Шундай экан, унинг таркибига кирувчи ҳар бир созанда-ижрочи алоҳида дунё. Ижрочини камолот сари интилиши учун мусиқий асарларни моҳиятини ғоявий ва бадиий идрок этиши, ўз маҳорати билан чекланиб қолмай жамоадаги бошқа ижрочиларни ҳам қалбан ҳис этиши, ўрни келганда жўрнавозлик вазифасини бажариб бориши таркибнинг энг асосий вазифаларидандир.

Ўз ўрнида тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, ансамбль синфини олиб бораётган устозлар ҳар бир чолғучининг асарни тўла-тўқис ижросига алоҳида эътибор бериши зарур. Чунки, талабалар орасида асарни тўлиқ ёд олмаганлари ҳам учраб туради. “Гуруч курмаксиз бўлмаганлиги каби”, ўқитувчи ижро жараёни пайтида шундайларга алоҳида эътибор бериши зарур. Бу ансамблнинг савиясига таъсир этади.

Анъанавий ижрочилик ансамблида созлар уйғунлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ғижжак, доира, чанг, рубоб, танбур, қўшнайн, дотор, най, уд созлари ансамбль уйғунлигидаги ижрода бир мақсадни ифодаловчи ҳамда бу жараёнга алоҳида улуш қўшиш билан характерланади. Ижрочи ўзга созлар кераклигича тасаввурга эга. Демак, турли хилдаги чолғуларга нисбатан талабаларнинг ижрочи сифатида тажрибаси маълум даражада ошиб боради.

¹ И. Акбаров. Мусиқа луғати. Тошкент.1986, 7-бет.

Анъанавий ижрочиликда якканавозлик, жўрнавозлик ва уни қай даражада ўзлаштириб боришлик алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса мусиқанинг умумбашариятга хос бўлган ички хусусиятларига боғлиқдир. Зеро, мусиқа усул ва оҳангнинг уйғунлигида пировардига етади. Шу боис, ҳар бир чолғувчи, яъни оҳанг таратувчи, мусиқанинг асоси бўлмиш зарблар илмидан воқиф бўлиши мақсадга мувоффиқдир. Ўзбек мусиқасида эса бу дойра усуллари оҳанг билан бевосита боғлиқлигини қайд этиб ўтишимиз жоиздир. Шунинг учун ҳам дойра жўрнавозликда алоҳида етакчи вазифани бажаради. Созандаларни жаъм бўлиб бир оҳангни ижро этиши инсонга ҳузур-ҳаловат беради. Шу боис бўлса керак созларни алоҳида, жўрнавозликда куй ижро этишлари азалдан анъанага айланган.

Мусиқа илмига биноан ансамблдаги ҳар бир созанда дойра сабоғидан албатта хабардор бўлиши шарт, шундагина ижро этилаётган асар равон, мукамал ҳамда уйғунлик жозибасига эга бўлади.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Шарқнинг таниқли алломаси Ёқуб Ибн Исҳоқ ан-Киндийнинг, мусиқа инсон руҳига таъсири устида кўп шуғулланганлиги ва бу соҳада анчагина муваффақиятларга эришганлигини айтиб ўтсак фойдадан холи бўлмайди. Унинг ёзишича: - «Куйлар билан гуллар ўртасида қандайдир ўхшашлик бор. Гуллардан тараладиган хушбўй хидлар овозсиз мусиқага ўхшайди. Ҳидлар мусиқа садоларига ўхшаб, киши руҳини кўтаради, кучига куч қўшади»².

Айни ўринда бир гўзал куйни ансамбль жўрлигида эшитиш инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этади. Талабаларнинг ансамбль синфи бўйича ўқув-адабиётини тавсия этар эканмиз, уни таълим жараёни, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ амаллар асосида тузишга ҳаракат қилдик. Рисола икки катта қисмга бўлинади. Биринчиси, талабаларни керакли ахборот олишлари учун тарихий ва назарий маълумотлар баёнига бағишланади. Ансамбль ижросидаги созлар тақсимоти эса, устоз санъаткор Ф.Содиқовнинг ансамбль ижросидаги “Насруллои”

² 3. Эгамбердиева, 3. Эгамбердиев. « Ан-Киндий мусиқаси» Совет Ўзбекистони санъати 10/1978.

асарини мисол сифатида тавсия этдик. Иккинчи қисм эса, ўқув дастурида белгиланганидек ўқиш давомида талабалар «Шашмақом»ни тўла тўқис ўрганишлари босқичма-босқич ўзлаштиришларига асосланган. Албатта, бу жараён талабаларнинг мустақил ўзлаштиришларида воҳавий жанрларни, ўтмиш ва замонавий бастакорлар томонидан давр руҳида яратган асарларни ўзлаштиришлари учун аҳамият бериш ўқтирилган. Олдимизгага қўйилган талабларнинг мушқиллигига шубҳа йўқ. Лекин, касбий мусиқанинг ўтмиш анъаналарисиз ўзлаштирмай туриб, буюк келажак яратиш мумкин эмас. Қолаверса, инсон тафаккури ва имконияти бундай вазифаларни бажаришга кодирдир.

§-1 Ансамбль

ижрочилиги тарихидан

Ҳар бир буюк халқ, ўзининг ўтмишдан шаклланган бой маданияти билан шуҳрат қозониб келган. Бу маданият, қадимдан миллатларнинг моддий ва маънавий раўнақи йўлида астойдил хизмат қилиши учун улкан бир воситадир. Бошқа халқлар маданияти каби ўзбек халқининг ҳам ўзига хос мумтоз санъати мавжуд. Ушбу санъат авлодлардан авлодларга, устоз-шогирд анъанаси услубида яшаб келган. Буни биз тарихий обидаларда, мусиқа ва миниатюра санъатида, меъморчилик, халқ оғзаки ва ёзма ижодиётида яққол кўришимиз мумкин. Шубҳа йўқки, қайси санъат халқ ҳаёти ва орзу умидларини табиий акс эттирса, ҳамда ана шу жараёнда ўз миллий-маданий, адабий, бадиий меъросига мустаҳкам таянса, ўша санъат ҳаётбахш ва умрбоқийдир. Тарихий манбаъларда зикр этилишича, Марказий Осиёда азалдан маданият ва санъат жуда юксак даражада ривожланганлиги кўп мартаба қайт этилиб ўтилган. Юртимизнинг турли воҳаларидаги археологик қазилмаларида топилган тасвирий санъат ёдгорликларида буни яққол ифодасини кўришимиз мумкин. Ҳаттоки, уларда илк жўрнавозлик

наъмуналари акс этганлигини гувоҳи бўламиз. Бу ўз ўрнида жўрнавозликнинг ўша даврданок мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Муסיқада ансамбль масалаларига оид маълумотлар Фаробий, Мароғий, Кавкавий, Дарвеш Али Чангий, сўнги йилларда Фитрат каби алломалар, муסיқашунос олимлар рисоаларида турлича баён этилган. Тарихий манбаъларда муסיқа санъатининг аниқ бир йўналишлари хусусида муайян маълумотларга таяниб баён этилган. Жўрнавозлик ва ансамбль хусусида фикрлар алоҳида зикр этилмаган бўлсада, ҳаёт таракқиёти ва ижрочилик анъаналари, даста бўлиб ижро этиш амалиётнинг оддий амаллари эканлигини намоён этади. Жумладан, XVII асрда яратилган Дарвеш Али Чангийнинг рисоласида баён этиладики: - «Илк муסיқа сабоқларини Дарвеш Али отаси Мирзо Али Чангийдан ўрганади. Кейинчалик ўзидан аввалроқ ижод этган машҳур муסיқа арбоблари Хужанд Жаъфар Қонуний, Али Дўст Найи, Ҳасан Кавкавий, Ҳофиз Маҳмуд, Ҳофиз Мирақ Ибн Мажруҳийлардан муסיқачиликга хос ва умумий ахлоқий, инсонийлик фазилатлари сабоқларини ўрганади. Чангийнинг муסיқа рисоласида қайд этилган ўша давр муסיқа ҳаётида жуда кўп хунарманд кишилар ҳам муסיқа ижрочилик амалиётида қизгин иштрок этишган. Жумладан; тикувчи Боқий Дирзий, Поянда Табиб, Абдулкарим Қозий, Мунажжим Боқий Шоҳидий, Ҳофиз Қосим Баззоз, Пирмуҳаммад Кулоллар чолғу асбобларида зўр маҳорат билан куй ижро этишган.»³ Бу эса созандаларнинг жаъм бўлиши ансамблга бир ишора бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

XVI-XVII асрларга келиб Бухоро, Самарқанд, Хива ва Қўқон воҳаларида маданият равнақи тобора юксала бошлайди. Муסיқий дунёқарашлари бир томондан кишиларни ўзаро узвий боғланиши муסיқа равнақини ривожига катта таъсир ўтказади. Сарой аёнлари учун маҳсус созандалар бириктирилган. Уларга алоҳида раҳбар тайинланган. Сарой аёнлари учун ҳозир бўлган созандалар ўз раҳбарларига итоатда бўлиб, муסיқий қонун қоидаларга қатъий риоя этишган.

³ Дибар Рашидова. Дарвеш Али Чангий. Совет Ўзбекистони санъати 10/1978.

Одатда, жўрनावозликнинг асосий негизини мусиқий созлар мажмуи ташкил этади. Ҳар бир чолғу асбоб эса жўрनावозликда алоҳида ўринга ва товуш кўлаמידан келиб чиққан ҳолда муҳим мақомига эгадир. Алишер Навоий “Махбуб ул қулуб” асарида ҳар бир созга алоҳида таъриф бериб уларни нечоғлиқ мусиқа олами учун муҳим эканлигини таърифлаб ўтади;

Агар киши май ҳавосидин чиқарур,
 Гижжак Мадди ноласи била анга ёлборур.
 Ва танбур пардадаги фитнадин ҳалок этар,
 Ва офият пардасин чок этар.
 Ва чанг зорлиғ била бўғзин тортар,
 Ва уд лисони ноғмасининг тарғиби чангдин ҳам ортар.
 Андаким рубоб бошин ерга кўюб ниёз кўргузгай,
 Ва кубуз қулоқ тутиб айшга тарғиб оҳангини тузгай.
 Майхонада кимки майдин ибо қилгай,
 Най уни бир дилкаш наво била ани расво қилгай.
 Чун қонун ва чағона ноласи қулоққа тушгай,
 Ва маҳваши соқий юкунуб, май оёққа тушгай,
 Ул вақт зуҳду тақвога не эътибор.⁴

Ҳазрат Навоий ҳар бир чолғу созининг нечоғлиқ забардаст оҳангга эгаллигини тасвирлаб бериб уларни кучини нимага қодир эканлигини баён этадилар. Ана шу кучлар бирлашиб, биргаликда тараннум этса ҳар қандай қалбларни ўзига ром этиши муқаррардир. Шу боис, жўрनावозлик ёки бир-бирига мос келадиган чолғуларни даста бўлиб ижро этилиши мажлис аҳлининг кўп жиҳатли эканликларига мос келишини эътироф этиш лозимдир.

Қайд этиш жоизки, XX асрнинг алломаларидан бири Абдурауф Фитрат ҳам бу хусусда ўз фикрини баён этиб “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” ги мақолада ўзбек мусиқасини жуда бой тарихи борлиги ҳақида фикр юритади.

⁴ А. Навоий «Махбуб ул қулуб»

“У бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлаган: Бир мусиқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир, бир мусиқаки ўзининг текширишга лойиқ назарияси, усули бор: уни мактовга сазовор деганлар тўғри сўзлайдилар” деган фикрни айтиб, «Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» китобида ансамбль ижросига ҳам тўхталиб ўтиб, ёзади- «Бизнинг бу кунги мусиқа устозларимиз чолғуларнинг бир-бирига муносабати тўғрисида ҳам катта янглишилиқлар кўрсатдилар. Бир танбур билан, бир дутор топилғоч, дарҳол бир ғижжак билан бир чанг кўшадилар. Холбуки, бир ғижжак товуши икки танбурни товушини еб кўяди. Биргина танбурни бир ғижжак билан бир чангга топшириш у бечорани бўғиб ўлдиришдан бошқа нарса эмасдир. Бизнинг бурунги устодлар масалани бутунлай бошқача кўйганлар: 1. уч танбур, бир рубоб, бир дутор, бир ғижжак, бир балабон, бир кўшнайн, бир чанг, бир доира;

2. икки танбур, бир кубуз, бир дутор, бир най, бир доира; 3. икки танбур, бир кубуз, бир доира (дутор ҳам кўшилса бўлади); 4. Ҳеч бўлмаганда бир танбур, бир дутор, бир доира.

Бурунги устодлар шу, ё шунга яқин бир тартиб билан мусиқа чалғонлар. Мусиқамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг тарқоқлигидир. Мусиқамизда бирлик йўқ. Бир куй Хивада бошқа, Тошкентда бошқача чалинадир. Ҳозирги техникумларимиз ҳам шу чизигдан чиқолмай юрадилар.»⁵ Буни йўқотиш учун ноталарга мувофиқ суратда давом эттиришларини талаб қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Ҳар бир давр ва ижтимоий ҳаёт ўз ривожига асосида ансамблларнинг таркиб топишини жонли жараён билан боғлиқлигини намоён этиб келган. Масалан: дамли ва урма чолғулар ансамбли доимо ҳар бир даврда ҳам, ўз уйғунлиги билан амалиётда машҳур бўлиб келган. Созандалар ансамблига муҳит ва давр доимо ўз таъсирини ўтказиб келган. Энг аввало унга бўлган муносабат муҳим аҳамият касб этган. Бунга XIX аср Хоразмда юзага келган мусиқий муҳитни мисол қилиш мумкин.

⁵ А, Фитрат. Ўзбек мусикаси тўғрисида, «Аланга» журнали, 1928й. 2 сони

Ўз даврининг донишманди - Ферузшоҳ (Хоразм) даврида мусиқа илмига эътибор юқори савияда бўлган. Хива хонлиги музофотида 32 та созандалар (гуруҳи) фаолият кўрсатишиб, уларнинг ҳар бири ўз дастури ва маҳоратини намойиш этиб шахсан хон рухсатидан сўнг ўз фаолиятини давом эттирган. Мақом санъатини изчил йўлга қўйиш учун Ферузшоҳнинг назорати остида сарой созандалари гуруҳи (ансамбли) тузилади. Бу ишга ўта лаёқатли ҳофиз ва чолғучилар жалб этилади. Кейинчалик малакали созандалар сафини доим тўлдириб бориш мақсадида энг етук устозларга шогирд тайёрлаш вазифаси юклатилади. Шогирдларга парда ва усул тизимларини куй ва ашулаларга мос масалалар ўргата борилган.

XX асрнинг бошларига келиб, Ўзбекистонда халқимизнинг турмуш тарзи ўзгариши муносабати билан мусиқа санъатига бўлган қарашлар ҳам тобора ижобий томонга ўзгара борди. Ижтимоий ҳаёт билан биргаликда Республиканинг турли воҳаларида жамоавий меҳнат тартиби тузила бошлади. Замонга мослашиб воҳаларда ҳам чолғу созлар ансамблини жорий қилиш имконият даражасида амалга оширилиб борди. Даврнинг энг долзарб асосий ғоялари ҳам жамоаларда етакчи созандалар ансамблини фаолият кўрсатиши эди. Бундайин дасталарнинг таркиб топиши ўзбек мусиқа меъросида янгича бир босқич сифатида кириб келди. Ҳар бир созандалар дастаси турли мусиқий чолғуларни ўз таркибига олиб, оммавий ижро учун мўлжалланган. Шу тартибда дасталар ижро услублари халқ орасида оммалашиб боради. 30-50 йилларда мусиқа соҳаси кескин ривожланди ва воҳаларни ўзининг забардаст, ўта дидли мусиқа илмини ўзига хос намоёндалари ўз фаолиятларини бошлайди. Бу фикримизга – Ўз ССР хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусиқа устаси, моҳир халқ созандаси, ташкилотчи ва мураббий уста Рўзиматхон Исабоев (Наманган 1885 – 1964й) танбурчини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Улар тузган ансамбль таркибида: - Иномжон, Баҳриддин, Шариф хожи – ғижжакчи, Маллавой – чангчи, Эргашвой – танбурчи, Тошмирза – сурнайчилар каби созандалар фаолият олиб боришган.

Ўз ўрнида воҳавий мактабларнинг мусиқий таълимини изчил бир йўлга кўйиш борасида ижодий ишлар барпо этила борди. 1919 йилда Тўхтасин Жалилов бошчилигида халқ чолғулари ансамбли ташкил қилиниб, 1923 йилда Москва шаҳрида ўтказилган бутун Россия кишлоқ хўжалик савдо кўرғазмасида иштирок этиб муваффақият билан қайтишади. Шундан сўнг, 24 нафардан иборат ҳаваскорлик тўғарак дастаси ўз фаолиятини бошлайди.

1927 йили Ўзбекистон радиоси қошида мақомчилар ансамбли ташкил этилади. Дарҳақиқат, бу ансамбль мумтоз мусиқа соҳасини мохир созандаларининг мажмуаси эди. Ансамбль ижрочилари: найчилар – Дадаали Соатқулов, Сайдали Калонов, кўшнаичи- Ҳайрулла Убайдуллаев, чангчилар- Ниғматжон Дўстмухамедов, Фахриддин Содиқов, дуторчилар – Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар – Рихси Ражабий, Маҳсудхўжа Юсупов, ғижжакчилар – Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, дойрачи - Дадахўжа Соттихўжаевлардан иборат эди. Уларнинг асосий мақсади мумтоз мусиқа меъроси намуналарини ижро этиш, ҳамда мусиқа санъати равнақи йўлида изчил мақсад сари бориш эди. Бизнинг назаримизда ана шу даврдан бошлаб, халқ ижрочилик санъатида хусусан, гуруҳ бўлиб ижро этиш, яъни ансамбль ижрочилигида турланиш даври бошланади.

30 йилнинг ўрталарига келиб, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида адабиёт ва санъат кунларини ташкил қилиш одат тусига кириб борди. Ва шу боис йирик ашула ва рақс ансамбллари ташкил этила бошланди. Ўз вақтида 20-30 кишидан иборат катта ансамбллар сахналарни тўлдириб ўша давр мафқурасига хос бўлган дабдаба ва улуғворлик кайфиятини яратиш учун лозим эди. Созлар мумкин қадар кўпайтирилиб, катта бир товуш гулдастасини ҳосил этарди. Шу тарзда, давр тақозоси билан амалиётда турли хил ашула ва рақс ҳамда дуторчилар ансамбллари, турли вокал ва оркестрлар жамоаси тузилиб, ижрочилик амалётида ўз фаолиятларини олиб борар эдилар.

50 йиллар охирида ўзбек мумтоз мусиқасига алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон радиоси қошида мақомчилар ансамбли тузилади. Бу ансамблга

Ўз замонасининг энг етик мақомдон созанда ва хонандалари таклиф этилади. Буни биз ансамбль ижрочилиги амалиётида энг нуфузли ҳамда мукаммал жамоа деб ҳисоблаймиз. Ушбу бадиий жамоа, фақатгина 10 йиллик фаолияти давомида шашмақомнинг барча наср бўлими мусиқий намуналарини ва бир қатор мушкилот қисмларидан асарларни ўзлаштириб магнит тасмаларга ёздиришга муяссар бўлишган.

Ҳеч муболағасиз айтишимиз мумкинки, радионинг олтин хазинасидан жой олган мусиқий меъросининг ушбу намуналари келажакнинг ҳар бир ёш авлодига анъанавий ижро масаласида дастури амал бўлиб, хизмат қилиб келди ва шу йўсинда давом этади.

Ҳақиқатан ансамбль ижрочилигининг нафосатли хусусиятларини ва унинг турли таркибларига тузилиши имкониятларини, Ўзбекистон давлат консерваториясида 1972 йилдан бошлаб, ўз фаолиятларини бошлаган илм даргоҳи, яъни анъанавий ижрочилик кафедраси узоқ йиллар давомида шу кунгача ўз фаолиятини кўрсатиб келмоқда. Дарҳақиқат, жонли ижрода чолғу созлар овозларини мутаносиб ҳолда тарранум этишлари учун шунга мос чолғулар тўплаш лозим. Шундай бўлсинким, най ва ғижжак сози билан биргаликда дутор ва танбур овозлари ҳам ансамбль ижросида эшитилиб турсин. Айтиш жоизки, ансамбль ижрочилигини асосий моҳияти ҳам шундадир.

Биз юқорида мурожат этган Фитрат домланинг фикрлари ҳам, ҳазрат

А. Навоийнинг келтирган шеърӣ мисолларини заминида ҳам ана шу ансамбль ижросидаги турфа овозларни жозибаси ҳамда мутаносиблиги туради. Биз доимо ижрода ана шу инсон руҳиятига бир меъёрда таъсир этувчи овозга эришадиган ансамблларни тузишимиз мақсадга мувофиқдир. Тузилган ансамбль таркибида созларнинг сонидан қатъӣ назар, асосий эътибор уларнинг тарранум (бир меъёр) сифатига қаратилиши лозим.

Айни пайтда анъанавий ансамбллар воҳавӣ, услубӣ хусусиятлар доирасида шаклланиб бораётганлигини гувоҳимиз. Бунга Бухоро, Хоразм, Тошкент – Фарғона, Самарқанд, Андижон вилоятларида фаолият олиб

бораётган мақом ансамбллари мисол қилиш мумкин. Айтиш жоизки, ансамбль ижрочилиги жуда сермашақат ва мушқил жараёни ўз ичига олади. Уни ёшлар амалиётига сингдириш шарафли ишлардан бири ҳисобланади.

Зеро, келажаги буюк давлатнинг келгусида ҳозирги ёш авлодни беназир устозлар сифатида шакллана боришида ушбу тарбия ҳам асос бўлиб хизмат қилиши бегумондир.

§-2 Ансамбль ва раҳбар (устоз-шогирд)

Чолғучилар ансамбли фанидан сабоқ берувчи раҳбарнинг энг долзарб, бирламчи вазифаси – таълим ва тарбияни жамоавий ижрочилик хусусиятларига хос ҳолда мослаштириб боришдир. Ўз ўрнида раҳбар шар томонлама билимли, ижрочилик масаласида илмли ва муайян тажрибага эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Одатда, ўқув жараёнида ансамбль таркиби вазият тақозоси билан тузилади. Устига-устак, ансамбль иштрокчиларининг билим мавқеъси ҳам турлича бўлиши муқаррар. Шу боис, ансамбль раҳбари ўз иш фаолиятини муайян таркиб асосида тузиши ва олиб бориши тақозо этилади. Ўз имкон даражасидан келиб чиқган ҳолда ўзлаштиришнинг турли услубларига таянилади.

Ўқув жараёнига мос ҳамда талабаларнинг ижро савиясини инобатга олган ҳолда қуйидагича услуб асосида иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унга кўра аввало ансамбль қатнашчиларининг маълум гуруҳларга бўлиш ва уларни жўрнавозлик ижро амалларига ўргатиш лозим. Гуруҳлар билан ишлаш жараёнида асарни мукамал ўзлаштиргандан сўнг, жамоа бўлиб ансамбль сифатида бирлашиш яхши натижаларни олиб келади. Тарбия жараёнининг яна бир муҳим томони шундаки, талабалар имкониятига мос, ҳамда руҳиятига хос ижро дастурини танлашдир. Сўнгра, танлаган асарни созандаларга ўргата боришда талабаларнинг дарсга қатнашиши жараёнини мунтазам равишда кузатиб бориш умумий тарбиянинг муҳим омилларидан бири сифатида гавдаланди.

Ансамбль ҳар хил созлардан ташкил топганлигини инобатга олиб, бир созни ўрнини иккинчи бир соз билан алмаштира олмаслик ҳолатига тушиб қолишликни бартараф этиш зарур. Машғулотларда жамоага, ҳар бир созандага ҳурмат эҳтиром, ўзаро меҳр муҳаббат, инсонийлик фазилатларини босқичма-босқич талабалар қалбига сингдира бориш талаб этилади.

Олийгоҳларга қабул қилинган талабалар дастлабки мусиқий сабоқларни мусиқа мактабларида, ўрта махсус ўқув юртларида, коллежлардан оладилар. Шундай экан, кейинги босқичларда мусиқа таълим тизимини янада такомиллаштиришга асосланиши мақсадга мувофиқдир.

Бу хусусда ўқитувчи ҳар бир талабани билим савиясини ва ижро маҳоратини ўзлаштиришини назорат этиши лозим. Сўнгра, унинг ижодий ривожланиш қобилятини ҳисобга олиб сабоқ режасини тузади. Олийгоҳ таълим тизимида анъанавий мусиқани ўзлаштириш жараёнида бир қатор анъанавий ва техникавий жиҳатларга асосланиши тақозо этилади. Буни биз аввало устоз ва шогирд анъаналарида кўрамиз. Шу билан бирга: ҳар бир талаба қуйидаги ўзлаштириш омилларига алоҳида эътибор беришлари талаб этилади.

- а) танланган дастурни устозлар ижроларидан магнит тасмалари орқали эшитиб бориш;
- б) мусиқий асарни албатта ёд олиш;
- в) нота ёзувларини равон, аниқ ва эркин ижро этиш;
- г) асар магнит тасмаларида мавжуд бўлса, нота ёзуви билан таққослаш;
- д) асар ижросига ижодий ёндошиш.

Қайд этиш лозимки, ўз ўрнида дастлабки асар ижроси ўқитувчи томонидан ижро этилиши, таълим талабларидан бири эканлигини эътироф этиш лозимдир. Ўқитувчининг дастлабки ижроси назарий тушунтириш билан давом этиши, асарнинг таркибий қисми ҳақидаги маълумотларни талабаларга тушунтириш билан давом этади. Бу жараёнда ўқитувчи қуйидаги унсурларга эътибор беришни ўқитириши лозим. Жумладан: - Шашмақомнинг

наsr муסיқий бўлимидаги шуъбаларда ўз ўрнини топган, намудларни аниқлаш, ижрода уни сеза билмоқ, авжларни билмоқ, тароналарда учрайдиган мураккаб ўлчовли усуллар устида машғулотларни кўпайтиришни йўлга қўйиш лозим. Ёш ижрочиларда асарни тез хотираларига сингдириш учун «хиргойи» тизими билан ишлашни алоҳида эътироф этиш керак. Оғир ўлчовли (сарахбор тароналари, туркумли асарлар тароналари) мураккаб бўлган асарлар ҳам хиргойи услуби ёрдамида ўзлаштирилади.

Ансамбль таркибидаги иштрокчилар бир-бирларини ўта зийраклик билан эшитиши ва асарни тўлақонли англаши талабнинг энг олий вазифаси деб ҳисоблаш шарт. Муסיқа сўзи гўзаллик деган маънога ҳам яқин бўлгани сабабли уни гўзалликдан ташқарида тасаввур этиш қийин. Жўрнавозлик меъзони айнан шу муסיқий гўзаллик тарзида ўлчаниши шарт. Талаба моҳир устозлар ҳақида керакли маълумотга эга бўлиши ёки билмаганларини устозлари томонидан ҳикоя этиб берилиши, муайян тасаввурга эга бўлишлари учун хизмат қилади.

Маълумки, бир асар турли устозлар томонидан ижро этилган. Имкониятдан келиб чиқиб ижрочиларни бир-бири билан таққослаш ҳолатларини ташкил этиш талаба онгининг ривожига асос бўлади. Талабанинг назарий билимини яъни, нота саводини мунтазам равишда кузатиб бориш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир.

Ансамбль ижрочилигининг муҳим хусусиятларидан бири ижрода бир хилликни таъминлашдир. Ҳар бир созанданинг ўз ижро йўли бўлиши бу муқаррар жараён. Шу боис, даста ижрочилигида уларнинг маълум даражада бўлсада тафовути сезилиши аниқ. Бу тафовутлар нимада аксини топади? Ўзбек муסיқа ижрочилиги ўзининг безакларга бой, серсайқал, қочирим ва нолали оҳанглардан иборат бўлганлиги барчамизга маълум.

Маълумки, муסיқий сайқал - безакларни талқини ҳар бир ижрочининг қалби билан боғлиқ. Ана шу меъзон жўрнавозликда ва ансамбль бўлиб кўпчиликнинг биргаликдаги ижроларида ўзини намоён этишида, айрим муаммолар юзага келишига сабаб бўлади. Бу тоза ижро билан боғлиқдир.

Созандалар доимо бир-бирини тинглаб, жаъм бўлиб машқ қилиб, фаолият олиб борадилар ва ижродаги мутаносибликни сақлайдилар. Унинг акси эса албатта, ижровий тафовутларга олиб келади. Ансамбль раҳбари ижро жараёнида ва асарларни ўзлаштириш пайтида айнан ижровий безакларга алоҳида эътибор бериши ижобий натижаларга олиб келади. Ансамбль катнашчиларига ижро пайтидаги безаклар талқинига, алоҳида эътибор беришни ва бир меъёрдаги ижрони аниқ кўрсатиб бериш шартдир. Ижрони равон ва аниқ йўналишда олиб бориш тўғри йўл ҳисобланади. Ўзлаштирилган асарни албатта устозлар ҳукмига ҳавола этиш билан биргаликда ижрочилик амалиётида ҳам мунтазам тарзда ижро этиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, талаба ёки ёш созанда ўз меҳнати самарасини тингловчи билан баҳам кўриб, унинг ижобий муносабатидан илҳомланиб ва руҳан мағрурланади. Кейинги ўзлаштириладиган муסיқий наъмуналар учун озуқа олади.

§-3 Ансамбль синфидан бакалавр талабалари учун ижро дастурини танлаш

Ансамбль ижрочилик анъаналарида ҳам, мутахассислик синфи каби талабаларнинг чолғу созида қўлланиладиган безаклар, штрихлар ва бошқа муסיқий белгиларни қўллашни тақозо этади. Лекин, шароитдан келиб чиқиб нола - қочиримларнинг ижро жараёнида ишлатишни ўз қоидалари мавжуд. Аввало, ижро маданияти, яъни ансамбль иборасига мос келадиган биргаликда ва бир хил ижро этиш лозим бўлса, иккинчидан ижрони назорат қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ансамбль ижросини узвий-равон йўналишда олиб бориш ниҳоятда зарур. Шундай экан, асар танлашда ансамбль жамоасининг ўқув жараёнини тўғри ташкил этишда, ҳар бир ижрочини муסיқий қобилияти, шахсий имконияти муסיқий билим доирасини эътиборга олмоқ шарт. Танланган мураккаб асарни дастур қилиб олиб, сўнгра уни созандаларга сингдира ололмаслик ҳолатига йўл қўймаслик, ўқитувчидан

катъий равишда талаб этилади. Тайёр ҳолатга келган дастурни ҳар бир босқични оралиқ назоратларида сахнавий чиқишлар орқали амалга ошириш тизим доирасини йўлга қўйиш, концерт даражасида ўтказилиши талабалар амалиётида жиддий ижрога бўлган кўникмаларни шакллантириб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув қўлланманинг асосий вазифаси анъанавий ижрочиликда ансамбль синфи учун ижро дастурини саралаш ва иложи бориша талабалар имконияти ҳамда консерваторияга мос ҳолда шакллаштиришдан иборатдир. Албатта бунда ўтмишдан анъана тарзда авлоддан -авлодларга ўтиб келаётган устоз-шогирд сабоқларига ҳамда таълим қоидаларига таяниш муқаррардир.

Неча йилдирким, республикамизнинг барча вилоят мусиқа ўқув муассасаларида анъанавий ижрочилик бўлимлари ўз фаолиятини бошлаган. Ўқув тизими таълим стандартларида белгиланган қоидаларга кўра, маълум бир йўлга қўйилган. Ансамбль синфлари ҳам бундан мустасно эмас. Олий ўқув юртларида бакалавр тизими 4 йиллик ўқув дастурини ўз ичига олса, мазкур ўқув тизими 8 семестрни ташкил этади. Демак, 1 семестр жараёни 4 ойни ўз ичига олар экан, аввало «Шашмақом» мушқилот бўлимини шу даврга мослаб, ўзлаштириш учун тақсимлаш лозимдир.

Маълумки, мақомларнинг мушқилот бўлими тасниф, таржеъи, гардун, мухаммас, сақиллар каби чолғу қисмларини ўз ичига олади. Замонавий таълим тизимида уларни бевосита ўзлаштириш нота ёзуви (магнит тасмалари ёзувлари, устозлар ижроларидаги наъмуналари) орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Шу боис ансамбль синфи бўйича 4-йиллик ўқув мезонида «Шашмақом»нинг мушқилот бўлимини тўла ўзлаштиришга имкон қидирамиз.

Одатда, халқимиз мусиқий меросини дурдона ҳисоблаб келган, «Шашмақом» таркибида Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ ўрин олган бўлса, уларни гўзал боғларга, ҳашаматли қасрларга қиёслаб, келганлар. Шу билан бирга бу гўзалликларга элтувчи ҳамда сиру асрорларини англаш учун бир муаян «йўл» борлигини эътироф этиб ўтганлар. Албатта, бу қиёслаш

барчаси тасаввур учун воситадир. Лекин, дарҳақиқат ёш мақомчи созанда, хонанда, ижрочилар учун бу «йўл» ўта муҳим вазифа ҳисобланади. «Йўл»лар деганда мақомларнинг мушкилот бўлими, яъни Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас ва Сақилларни назарда тутилмоқда.

Қайд этиш лозимки, мақомларни чолғу йўлларига мансуб туркумларни теран ўрганиб, кейин наср бўлимидаги ашуллаларнинг жозибаторлигига эришиш мумкин. Сабоқ жараёнининг энг муҳим томонларидан бири созандалар ансамбли жамоасидаги ҳар бир чолғувчи мушкилот бўлимидаги (воҳавий мактаблар) асарларини ақлан идрок этишдадир. Чунки, чолғу асарларисиз мақомларни энг мароқли ҳиссиётларини билиб бўлмайди. Албатта, ҳар бир мақомни ўз модули мавжуд. Шу модулини янада чуқурроқ ўзлаштириш учун кенг доирали мусиқий илм лозим.

Созанда мусиқий илмни шакллантириш учун эса мақомларни назарий жиҳатларини ўзлаштириши жоиздир. Жўрнавозлик, ҳамфикрлик, яъни бир оҳангни икки ижрочи бир хил англаши, бири чалганда иккинчиси унга жўр бўлиши, ансамбль бўлиб ижро этишликнинг асосий негизидир.

«Мақом» - бу жуда кўп маънога эга бўлган тушунча. Ҳар бир мақомнинг ўз лад ва куй оҳанг асослари мавжуд. Кўп оҳангларда ҳар бир мақомнинг характери, сифати ва хусусияти муҳрланган. Шу боис, уларни талқинида саводли ижро муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўзлаштириш жараёнида ижрочилар шу оҳангларга хос машқлар, товушларни тозалигини сақлаган ҳолда машғулотлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Машқлар жараёни ҳам аввалги икки мақсадни кўзлаши лозим. Биринчиси мақомни ўрганиш бўлса, иккинчиси албатта биргаликда ансамбль бўлиб ижро этиш кўникмаларини мустаҳкамлашдир.

Мақомларнинг чолғу бўлимларидаги куй йўллларини ҳар бири мустақил асарлар ҳисобланиб, қайси мақомга тегишли бўлса, номланишида ҳам шундай акс этилади. Масалан, Таснифи Рост, Гардуни Сегоҳ, Сақили Наво, Мухаммаси Рост ва ҳ.к. Албатта ҳар бир мақомнинг куй ва ашула йўллари фақатгина ўша мақомлар лад асоси, бадийий- эстетик таъсири

билангина чекланиб қолмай, балки турли қисмларда улар ўз хусусияти билан ўзгариб, тобора бойиб боради.

Муסיқашунос алломаларнинг ёзишларича мақомлар кўп жиҳатлиликка эга. Уларда турли характерга эга бўлган оҳанглар ўз аксини топган. Жумладан: мақомларнинг фақат чолғу йўлларидаги асарларнинг ўзи кишида хушчакчаклик, гоҳида ғамгинлик ёки жасоратбахш кайфиятлар сари чорлайди. Мақомларда, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган, инсонларнинг таъбига хос бўлган куй-оҳанглар мужассамланган. Фақат уларни онгли равишда ва ўрнида ижро этиш керак. Шу боис, ҳар бир мақомнинг таркибидан жой олган асарларни куй оҳанги, лад қиёфаси, дойра усули турличадир. Аввало шунга хос бўлган машқлар услубини олиб бориш мақсадга мувофиқ тамойиллардандир. Чунки, мақомларнинг номланишлари дойра ва усуллари бир хил бўлгани билан куй йўллари, лад асоси ва куй мавзулари ҳар хилдир. Тартибли машғулотлар ва таркибли машқлар созандада мақомларни идроклаш кўникмасини тўғри шакиллантиришини таъминлайди. Муסיқий шакл жиҳатидан мақомларнинг чолғу йўллари ўзига хос кўринишга эгадир. Улар пешрав тамойилига асосланган бўлиб, ашула йўлидан кескин фарқ қилади. Чолғу йўлларининг барчаси учун ҳам ягона хослик, уларнинг «хона» ва «бозгўй»лардан иборат эканлигидир. (Хона – уй, яъни куйнинг ташкил этган товушлар ва унинг бошқа унсурлари жойлаштирилган хона маъносини билдиради.

Хона араб тилида байт деганидир. «Байтуш-шеър» дейилганда эса шеърнинг уй - хонаси тушунилади. Бозгўй куйнинг қайтарма бўлаги ҳисобланади ва яна - айт маъносини англатади.

Чолғу қисмлар шарҳи

Муסיқа таълимида асарларнинг туб моҳиятини англаб ўзлаштириш доимо ижобий натижаларга олиб келган. Шу боис, ҳар бир ўқувчи ёки бошланғич даражадаги созандаларни ўзлаштираётган асарларини тўлақонли

англаб, тушуниб олишлари муҳим эканлигини эътироф этмоқчимиз. Гарчан назарий маънбаларда мақомларнинг таркибий қисмлари тўғрисида маълумотлар атрофлича ва асосли келтирилган бўлсада, мавжуд бу манбаъларга таянган ҳолда машғулотлар учун қисқача шарҳ бериб ўтишни лозим деб билдик.

Тасниф – арабча сўз бўлиб, яратилган асар – куй демакдир. Ҳар бир мақомларнинг чолғу бўлимлари тасниф куй йўллари билан бошланади. Унинг такт-ритм ўлчови $2/4$, ўрнига қараб эса $4/4$ ҳиссада келиб куй жараёнида ўзгармай давом этади. Таснифларнинг дойра усуллари деярли бир хил бўлсада, баъзан куй характериға қараб қисқароқ шаклдаги кўринишини ҳам учратиш мумкин. Таснифлар мақомларнинг ҳар бирида мустақил мусиқий мавзуларига эгадирлар. Уларнинг куй-оҳанг асослари мақоми ҳисобига бир биридан бевосита фарқланиб боради. Айтиш жоизки, уларнинг куй бўлаклари оҳанг мазмунидан келиб чиқиб гоҳ узун, гоҳида қисқа бўлиб, хона ва бозгўйлари турлича бўлиши ҳам мумкин. Таснифлар мақом чолғу йўлларини бошланғич қисми бўлиб, ўз шаклиға ва албатта кенг овоз кўламиға эгадир. Тасниф мақомларнинг чолғу йўлини асосий мавзуи, негизи бўлиб оҳанг ва маълум куй бўлаклари ўзидан кейин келадиган қисмларда ҳам ритмик ёки куй вариациялари сифатида ҳам учраб туради.

Таржеъ - арабчадан қайтариш, такрорламоқ маъноларини англатади. Такт-ўлчови $2/4$. Ўз оҳангида ижро этилаётган куйни турли баландликларда такрорланиб, ритмик ва мелодик вариациялар шаклида келиши айнан таржеъға хос хусусиятдир.

Гардун - “гардония” айланувчи, айланма йўлли, осмон гардиши, айлана, тақдир деган маъноларни англатади. Мусиқа йуналишида эса Гардун маълум дойра усулининг ва шу билан усул жўрлигида муайян лад /мақом/ға мувофиқ равишда ижро этиладиган куй ҳисобланади. Унинг такт – ўлчови жуда мураккаб, $8/4$ ($2/4+3/4+3/4$) лардан иборат. Гардунда бозгўй ҳар

бир хонадан кейин такрорланавермай, бир куй муайян тугаб бўлгандан кейин келиши ҳам Гардунга хос хусусиятлардандир.

Мухаммас - бешланган, бешлик маъносини англатади, у ибора асосан ғазалиётда кенг қўлланилиб келинади. Шеърятда эса беш мисрадан тузилган шеър шаклидир.

Мухаммаснинг такт-ўлчови 2/4 ёки 4/4 (хажмли), ҳиссали метро-ритмик ўлчовга асосланган ва, умумий дойра усули 16 - тактни ташкил этади. Содда қилиб айтганда, 16-хажми доирасида бир бутун куй жумласи ташкил топган ва бу хажм доимий қайтарилишларда-сақланиб қолинади. Унинг характерли томони ҳам шунда, яъни хона ва бозгўйларнинг дойра усули бир хил ўлчовдадир. Куйда хона бозгўйларининг кетма-кетлиги вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Одатда хона бозгўй билан алмашиб келадиган бўлса, айрим ҳолларда, айниқса авж-пардаларида 2-3 хоналар бозгўйсиз қайтарилиши ҳам амалиётда учраб туради. Мухаммасларда бир-бирига ўхшаб кетиладиган кўплаб оҳанг бўлакчаларини учратиш табиий ҳол. Аслида буларни фақатгина қайсидир жиҳатидан ўхшатиш мумкин ҳолос. Бундан мақсад бир оҳанг бўлаги қайтарилаверади деган фикрга бориш ноўриндир. Бу мухаммасларни яна ўзига хос томонлардан деб қабул қилиш лозимдир. Мухаммасларнинг бу хусусиятлари жанрнинг нафақат шакли, балки бадий-эстетик қийматини ҳам камайтирмай, аксинча уларни янада ранг-баранглигини таъминлаб, куйни тугалланишига беихтиёр кўмаклашади.

Сақил - араб тилидан оғир, вазмин, чўзилган маъноларни англатади. Мусиқада эса мураккаб дойра усулининг номидир. Такт-ўлчови 2/4 ва 4/4 ҳиссали ўлчовлар алмашинувида йигирма тўрт тактни ўз ичига олади. Бу беназир асарларга жуда ҳам таърифларни келтириш мумкин. Мушқилот йўлидаги куйларни икки ва ундан ортиқ чолғу созларда жаъм бўлиб ижро этилиши эшитувчига ҳузур-ҳаловат бахш этади. Албатта, бундай юксак савияга эришиш учун ансамблдаги созларни садоланишига эътиборни қаратиш ва диққат билан ижро этиш зарурдир.

Ансамбль – дойра, ғижжак, най, кўшнай, чанг, рубоб, дутор, танбурдан иборат бўлиб, бир мунча уларни сони кўпайтирилган бўлиши ҳам мумкин. Амалиётдаги тажрибалар кўрсатадики, созандалари кўп сонли ансамблларда асарларни ўзлаштириш бир мунча мушкил кечиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда ҳар бир чолғу созларидан кераклисини танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида номлари зикр этиб ўтилган куйларни ансамбль жўрлигида ижро этишни бир оз енгил кечиш имкониятлари ҳам мавжуд. Бунга асосан асардаги хоналарни созларга бириктириш билан эришилади. Бунинг учун ансамбль ўқитувчисини созлар ҳақида тасаввури ҳамда уларнинг товуш кўлами имкониятларини билиши энг муҳим эканлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Чунки юқори пардаларда ижро этиладиган хоналарни дутор, кўшнай ёки уд созларига тавсия этиш мақсадга мувофиқ эмас. Уларни жаранги етмайди ва кутилган садоланишни бермайди. Шу боис, жаранги булардан ортиқроқ бўлган созлар ғижжак, най, рубоб, чанг ижролари овоз кўлами ҳар томонлама кенг имкониятга эгалигини инобатга олиб ва куй мазмунидан келиб чиқиб тақсимлаш ўринлидир. Одатда, созлар тақсимоти чолғу йўли ёки ашула йўлида бўладими, алоҳида эътиборни талаб этади. Чолғу мусиқасининг ансамбль талқини бу услубни тақозо этади. Мақом ижрочилигида унинг бадий-эстетик жиҳатларини намойиш этиш учун ушбу услуб қўлланилади.

Асардаги ҳиссиётларни созларда акс эттириш мезони ҳам аҳамиятли томонлардан ҳисобланади. Мусиқада бу жараён «динамика» мезони дейилади. Унда безаклар ва нола-қочиримларни ҳаддан зиёд бўлмаслигига, бир хилликка, ижро этилаётган оҳангни паст-баландлигига (f - p) эътибор бериш керак. Мақом ижрочилиги ёки умуман чолғу ижрочилигида динамик унсурларни жойида ва меъёрида ишлатиш жуда аҳамиятлидир. Асарнинг бошидан охиригача баланд (f ёки ff), қаттиқ «ҳаммага етадиган» овозда ижро этиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мусиқанинг бевосита ижрочилик мезонини «жонли жараёни» дейилишининг

хам сабаби шунда. Жонли жараённинг эса, ўз қоидалари мавжуд. Унга биноан мусика ижрочилигида нафосат ва хайрат ўз сеҳрини намоиш этиши лозим. Нафосат эса чолғу созларни талқинида намоён бўлиб, тингловчи хайратига сазовор бўлади. Ана шу мезонга, мусикада «динамика» дейилади. Мусикий меросимизнинг бой ва серқирралиги барчага аён. Унинг таркибида шундай беназир хусусиятга эга бўлган асарлар мавжудки, улар турли таркибдаги ансамблларда турлича жозибда янграши мумкин.

Масалан: Муножот куйини танбур созини ўзида маромига етказиб ижро этиш мумкин бўлсада, унга ёнига дуторни жўр бўлишлиги билан ўзгача бир завқ пайдо бўлади. Меросимизда дурдона куй- оҳанглар кўп, уларни созларга тўғри тақсимлабгина ансамбль салоҳиятини янада юқори босқичларига эришилади.

Ҳар бир ансамблнинг ўз ўрни, таркиби ва раҳбари бўлиши муқаррар. Ансамблнинг ижровий жиҳатлари ана шу таркиб асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам муаян бир куйнинг ансамбллар талқини доимо ўзгача бўлади. Жумладан: «Насри Сегоҳ» мусикий намунаси Ўз.Радио қошидаги Ю. Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли ижросида бир гўзал тараннумга эга бўлса, Андижоннинг «Мерос» мақомчилар ансамблида ўзгача жозоба билан янграшини гувоҳи бўламиз.

Созлар тақсимотини ансамбллар ижрочилигида муҳим аҳамият касб этиши ва ўзлаштириш жараёнининг эътиборли жиҳатларидан эканлигини назарга олиб «Насруллои»- мусикий намунасини созлар талқинига бўлиб чиқамиз. Шояд ёш мақом ижрочилари ансамблларига намуна бўлиб хизмат қилсин:

Насруллои (чолғу йўли).

Одатга кўра, ҳар бир чолғучилар жамоаси, яъни ансамбль ўз тузилиши, таркиби, раҳбари ва шунга мос ижро услуб танлаб олади. Шунга кўра, катта ансамбль, кичик ансамбль, камер ансамбллардан таркиб топади. Ижро

амалиёти эса ансамбль имконияти ва чолғуларнинг мутаносиблигига асосланиб боради.

Аввало, ансамбль созандаларини жамоа бўлиб ижро этиш кўникмаларини жонлантириб, бир хиллик тамойилда ижро этишга созлаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Сўнгра, ансамблни «бир чолғу» ўрнида тасаввур этиб «регистлар» тақсимоти билан ижрони турли чолғу созларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ҳар бир чолғунинг тембрал ва ижровий имкониятларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўқув-услубий қўлланмада мумтоз куйлардан бири «Насруллои-1» ни устоз Фахриддин Содиков томонидан ансамблга мослаштириб, чолғуларга тақсимлаб ижро этилган вариантини намуна сифатида тавсия этамиз.

Асар 15-хона ва шунга мос бозгўйдан таркиб топган. Хоналар тақсимоти ва кетма-кетлигини, турли вариантларда(шароитдан келиб чиқиб) тузиш мақсадлидир. «Насруллои» куйининг анъанавий ансамбль томонидан ижро этилган варианты 1923 йил Алматада ўтказилган «Осиё минбарида» ижро этилиб, бутун дунё радио корпорациялари орқали тарғиб этиш учун танлаб олинган. Ҳозирда эса ансамбль таркиби консерваториянинг шарқ мусиқаси кафедрасининг (ҳозирда анъанавий ижрочилик) профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан таркиб топиб устоз номлари билан юритилиб келмоқда.

Тавсия этилаётган намунада, куй ривожининг драматургия ҳолатига хос тузилган хона ва бозгуйларнинг кетма-кетлиги бир тартибга келтирилган. Ансамбль таркибида 1-та чанг, 2-та танбур, 2-та дутор, 1-рубоб, 1-афғон рубоби, (ҳозирда уд сози қўлланилади), 1-най, 1-қўшнай, 2-та ғижжак ва дойра чолғулари ўрин олади.

Асар осойишталик вазиятда, ўртача суръатда ва ўртача овоз тараннумида 1-2-3 хоналар ижро этилади. «Насруллои» куйининг асосий мавзуси ҳамда асарнинг асосий ғояси билан таништирилади. Асарнинг ана шу қисми, гўёки Насруллои оламига олиб кириши лозим. Сўнгра унда тасаввурий саёҳат бошланиши, бирин-кетин алоҳида чолғулар ёрдамида

танишиб чиқилиши кўзланади. Шу нуқтаи назардан 4-хона, энг салобатли вазмин, шу билан бирга фалсафий оҳанглар таратувчи чолғулар танбур, дутор ва рубоб (нохунли, чертма чолғулар) ижросида янграйди. Хонани ўзига хос ижро этиб бозгўй ансамблнинг жўрлигида, биргалликда ижро этилади.

5-хона характер ва драматургия бўйича асосий мавзунини бошланғич давридаги босқичларини қайтаради.

4

5-хона

194 Танбур, дутор

mf

204

214

Гўёки, янги нафас билан ҳаракат бошлагандек. Бу вазифа танбур ва дутор зиммасига юклатилади. Шу билан чолғулар, яъни созлар мунозараси бошланади. 5-хона ниҳоясига етиб, бозгўйсиз 6-хона бошланади ва бу хона кўшнай созида ижро этилади. 7-хона эса яқка созлар ижросини мустаҳкамлаб ансамбль ижросида янграйди. Гўёки асарнинг авжлар тизимига тайёрлаб беради.

8-хона асарнинг авжлар тизимини бошлаб берувчи бўлагидир.

6

8-хона

291 Рубоб

~

301

309

Шу боис, бу вазифа янгроқ овоз таратувчи чолғу қашқар рубобига берилгани маъқул. Рубоб ижросини ансамбль биргаликда қўллаб қувватлайди ва кульминацион бўлимигача бирга ижро этилади. 10 ва 11-хоналар асарнинг катта авжи ҳисобланади. Авж пардалар баландлиги ва ҳаяжонли оҳанглар мажмуи эканлиги барчага маълум. Ижро амалиётида шунинг учун ҳам эҳтиросли ва нозик жиҳатларни намоиш этиш учун кўпроқ най ва ғижжак чолғулари орқали садолантириш урф бўлган.

Шу нуқтаи назардан 10-хона ансамбль ижросида бошланиб, аста-секин юқори нўқтага олиб чиқиб, мавзунини най созига топширилади.

364

10-хона

mf

Най

374

384

392

mf

10

401

Ғижжак

f

Юқори пардаларни най нолиши билан ифодалаб энг юқори пардага куйни тайёрлаб олиб чиқади ва ғижжак садоси унга мадад бўлади. Шу йўналишда давом этиб асосий мавзу ансамблга топширилади. Ансамбль авж тизимини якуни сари пасайиб боради. Ўз ўрнида чангнинг қайта авж пардадан пастга ҳаракати сокинлик бахш этади.

Авж пардалардаги 10-11-хоналарни ижроси «Насруллои»нинг юраги кабидир. Шунинг учун бўлса керак, асарнинг жуда нозик эҳтиросли ва ансамблнинг асоси, яъни оҳанга мос бир пардани садолантириб, усул бериб туриш орқали кўмак берилиши мақсадга мувофиқдир. «Насруллои» куйининг бошқа асарлардан ажралиб турадиган фарқли томони унинг таркибий тузилишида намоён бўлади. Яъни, 13-14-15-хоналардир. Ушбу хоналар асарнинг «Хулоса» ловчи бўлаги каби янграйди. Ижрода унинг ўзига хослигини кўрсатиш жуда муҳимдир. Айнан, шу муносабатдаги Насруллоининг тўлақонли талқини ўзгача жозиба бахш этади. Шуларни инобатга олиб юқорида баён этилгандек, созлар мунозараси савол-жавобидан сўнг ансамбль бутун куйга хотима ясайди.

13

13 – хона Рубоб, танбур,
Ансамбль дугор Ансамбль Ғижжак, қўшнай Ансамбль

530

540

Ушбу асарнинг турли вариантлари устоз созандалар томонидан ўзига хос мақомда ижро этилган. Турли чолғуларга мосланган намуналарида куйнинг баъзи бир хоналари ижро этилмай, ижрочи ва чолғунинг имкониятлари билан ҳам характерланади. Хулоса қилиб айтиш лозимки, мақомларимизни ёш ижрочиларда сингиб бориш жараёни анчагина йилларни ўз ичига олади. Шундай бўлса ҳам ёшларимизни келажакда баркамол инсонлар бўлиб, ўз касбига вафодор, ватанига содиқ, мусиқа соҳасида эса етук билимдонларни тайёрлаб, умуминсоний фазилатларини янада раванк

топиши ва хизмат қилиш учун мос ҳолда тарбияланиши биз мураббийларнинг энг долзарб вазифамиз эканлигини ҳис этиб яшамоғимиз бугунги ва эртанги кунимиз шиори бўлмоғи зарур. Яратганга беҳисоб ҳамдлар бўлсинким, беғубор, беғараз, комил пиру – устозлар эзгу ҳаракатлари боис, мақомларимиз бизнинг кунгача етиб келди. Бизнинг олий мақсадимиз бу меросни нота ёзувлари, сақланиб қолган магнит тасмалари, ликопчалар орқали ёш авлодга етказиб, имкон қадар ўргатиб боришдир. Баъзида бу соҳада ҳам ҳар хил қарашлар, мунозаралар, баҳслар юритилиб туради. Лекин, биз бу турфа фикрларга чалинмасдан, шу кунгача қандай тартибда ўргатилиб келинган бўлса, шу анъанани давом эттириб бориш тарафдоримиз. Илм бўлгандан кейин фикр- қарашлар ҳам ўзгача бўлади.

Жалолоддин Румийнинг /Фийҳи ма фийҳи/ * **Ичиндаги ичиндадир***⁶ асарида шундай ҳайратомуз фикр билдирадики: - билганлар билан билмаганлар бир мажлисда иштирок этиб, ўқиланаётган ваъздан ҳамма йиғлашар эди. Шунда билганлар билмаганларга қарата; - нега йиғлашади, устига-устак тилни ҳам умуман тушинишмайдику? Билганлар орасида бор йўғи 10 дан бири зўрға англаб тушиняпти, улар бўлса йиғлаб сиқташади? Бу ҳолат ҳақида Ж.Румийдан сўрашганда: Сўзнинг ўзини тушинишга ҳожат йўқ, аслида моҳиятини, мақсадини англамоқликни тавсия этиб ўтади. Ниҳоятда бу фикр бизнинг ҳам фаолиятимизда қўл келадиган йўллардан ҳисобланади. Ансамбль фани учун танланган дастур тажрибали устозлар билан маслаҳатлашган ҳолда, келажакда созандаларнинг янада равнақи учун бир восита бўлиб хизмат қилишига умид боғлаб қоламиз.

1-босқич. 1- семестр.

Бузрук мақоми - Таснифи Бузрук, Таржеъи Бузрук, Гардуни Бузрук, Мухаммаси Бузрук, Мухаммаси Насруллои, Сақили Ислим, Сақили Султон. Талабаларнинг мустақил ўзлаштиришлари учун: Тошкент-Фарғона йўлидан: Ёлғиз 1-2, На хушдирким, Фарғонача Танавор.

⁶ Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий 7-бет.

1- босқич 2- семестр

Сарахбори Бузрук 1-6 тароналари, Талқини Уззол таронаси, Насруллои 1-3 (ашула йўли) таронаси, Насри Уззол, Уфори Уззол.

Мустақил дарс учун: Муғулчай Бузрук(туркум), Савти Сарвиноз, Ироқ(туркум), Рок(туркум).

2- босқич 3- семестр

Рост мақоми –Таснифи Рост, Гардуни Рост, Мухаммаси Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Панжгоҳ, Сақили вазмин, Сақили Рак-рак.

Тошкент-Фарғона йўлидан: Қаландар 1- 5, Ушшоқлар (ашула – куй йўллари), Насруллои 1- 5 (чоғу йўли), Ажам, Наврўзи ажам, Ажам тароналари.

2-босқич 4- семестр

Сарахбори Рост 1- 6 тароналари ва супориши, Талқини ушшоқ таронаси, Насри ушшоқ таронаси, Наврўзи Сабо,Талқинчай Наврўзи Сабо.Уфори ушшоқ.

Мустақил дарс учун: Савти ушшоқ (туркум), Савти Калон (туркум).

3- босқич 5- семестр

Наво мақоми- Таснифи Наво, Таржеъи Наво, Гардуни Наво. Нағмаи Орази Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Хусайни, Сақили Наво.

Мустақил дарс учун:

Тошкент-Фарғона йўли: Бек Султон 1- 2, Нағора Баёти, Баётлар, Чапандози Баёт. Сурнай наво ижро йўлидан: Сурнай Дашноботи.

Сарахбори Наво 1-2 тароналари, Талқини Баёт, Насри Баёт тароналари, Орази Наво 1-3 таронаси, Хусайни Наво, Уфори Баёт.

Мустақил дарс учун: Савти Наво(туркум), Муғулчай Наво(туркум), Мустаҳзоди Наво(туркум).

3-босқич 6- семестр

Дугоҳ мақоми – Таснифи Дугоҳ, Таржеъи Дугоҳ, Гардуни Дугоҳ, Пешрави Дугоҳ, Сақили Дугоҳ, Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси чоргоҳ, Мухаммаси Хўжахожи, Мухаммаси Чорсархона, Сақили ашкулло.

Мустақил дарс учун: Тошкент- Фарғона йўлидан: Чоргоҳлар, Мушкिलоти Дугоҳ, Муножот- 1-5, Бозургоний.

Сарахбори Дугоҳ 1-6 тароналари, Талқин ва Насри Чоргоҳлар таронаси, Орази Дугоҳ, Дугоҳ Хусайни 1-5, Уфори Чоргоҳ, Савти Чоргоҳ(туркум), Муғулчаи Дугоҳ (туркум), Қаландари Дугоҳ, Самандари Дугоҳ, Сарахбори Оромижон, Уфори Оромижон, Чоргоҳ 1-6.

4- босқич 7- семестр

Сегоҳ мақоми – Таснифи Сегоҳ, Таржеъи Сегоҳ, Ҳафифи Сегоҳ, Гардуни Сегоҳ, Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирзо Ҳаким, Сақили Бастанигор.

Мустақил дарс учун: Тошкент- Фарғона йўлидан: Катта Сегоҳ, Сегоҳ (Тўхтасин Жалилов), Мискин 1- 5, Мушкилоти Сегоҳ, Насри Сегоҳ, Сегоҳ (чолғу йўли), Гирья 1- 2, Галдр 1- 2.

Сарахбори Сегоҳ 1-6 тароналари, Талқини Сегоҳ таронаси, Наврўзи Хоро 1- 3 таронаси, Наврўзи Ажам тарона, Уфори сегоҳ.

Муғулчаи Сегоҳ (туркум), Фигон 1- 2, Нимчўпони, Илғор, Гулузорим.

4-босқич 8- семестр

Мақоми Ироқ - Таснифи Ироқ, Таржеъи Ироқ, Мухаммаси Ироқ, Сақили аввал (1), Сақили дуввум (2), Сақили Калон.

Мустақил дарс учун: Тошкент- Фарғона йўлидан: Тошкент Ироқи (ашула йўли), Марғилонча Ироқ (Ж.Султонов), Сурнай Ироқи, Сарпарда, Чўли Ироқ, Шароб1–2, Эшвой (ашула ва чолғу) йўллари. Сарахбори Ироқ 1-6 (тароналари), Мухайари Ироқ 1-4(тароналари), Чамбари Ироқ Уфориси.

Ушбу дастурда номлари баён этилган барча асарларнинг нота ёзувлари ва барча керакли бўлган маълумотлар мавжуд бўлганлиги сабабли қайта такрорламасликни жоиз деб топдик..

Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар

1. З.Эгамбердиев, Эгамбердиева. Ал-Киндий. Сов.Ўзб.санъати журнали, 10-сони 31бет, 1978 йил.
2. Д.Рашидова. Дарвеш Али Чангий. Совет Ўзбекистони санъати. журнали, 10-сони 19 бет, 1978 йил.
3. А.Навоий, «Махбуб ул қулуб».
4. А.Фитрат,Ўзбек мусикаси тўғрисида, « Аланга» журнали, 2-сони 21бет,1928 йил.
5. И.Ражабов.Мақом масалаларига доир, Тошкент, «Фан» 1963 й.
6. Ю.Ражабий. «Шашмақом» Тошкент, 1-жилд, 197 йил.
7. Ю.Ражабий. «Шашмақом». Тошкент, 2-жилд, 197 йил.
8. Ю.Ражабий. «Шашмақом». Тошкент, 3-жилд, 1970 йил.
9. Ю.Ражабий. «Шашмақом». Тошкент, 4-жилд, 1972 йил.
- 10.Ю.Ражабий. «Шашмақом». Тошкент, 5-жилд, 1973 йил.
- 11.Ю.Ражабий. «Шашмақом». Тошкент, 6-жилд, 1975 йил.
- 12.Ўзбек халқ мусикаси, Тошкент, 1-жилд, 1955 йил.
- 13.Ўзбек халқ мусикаси, Тошкент, 2-жилд, 1957 йил.
- 14.А. Фитрат.Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи, «Фан» 1993йил.
- 15.Ю.Ражабий. «Мусика меросимизга бир назар» Тошкент- 19 йил.
- 16.Исҳоқ Ражабий. «Мақомлар». Санъат нашриёти, Тошкент- 2006 йил.
- 17.Отаназар Матёкубов. «Мақомот». Тошкент-2004.
- 18.Ж. Румий. «Маънавий Маснавий». Тошкент-1999 йил.
- 19.И.Акбаров. «Мусика лўғати». Тошкент-1987 йил.

Мундарижа

- 1 Муқаддима.
- 2 Ансамбль ижрочилик тарихидан.
- 3 Ансамбль ва раҳбар(устоз –шогирд).
- 4 Ансамбль синфидан бакалавр талабалари учун ижро дастурини танлаш.
- 5 Чолғу қисмлар шарҳи.